

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИНИНГ МУАММОЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Рахимов Матназар Юсупович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети профессори

raximovmy@mail.ru

PROBLEMATIC ASPECTS OF FINANCIAL STATEMENT ANALYSIS

Raximov Matnazar Yusupovich

Professor of Tashkent State University of Economics

raximovmy@mail.ru

Аннотация: Молиявий ҳисобот таҳлили корхона фаолиятини баҳолаш, унинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва рентабеллигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо амалиётда молиявий ҳисобот таҳлили жараёнида турли муаммоли жиҳатлар учрайди. Ушбу муаммолар таҳлил натижаларининг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Калим сўзлар: молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботлар, молиявий ҳисобот таҳлили, молиявий ҳолат, молиявий барқарорлик, молиявий натижалар, иш активлиги, иқтисодий начорлик.

Abstract: Financial statement analysis is important for assessing a company's performance, determining its financial stability, solvency, and profitability. However, in practice, various problematic aspects arise during financial statement analysis. These problems can negatively impact the reliability of the analysis results.

Keywords: financial statements, financial statement analysis, financial condition, financial stability, financial results, business activity, insolvency.

Кириш

Молиявий ҳисоботнинг турли мамлакатларда ҳар хил шаклда тузилиши ва талқин қилиниши бир қатор объектив омиллар билан изоҳланади:

Давлатларнинг иқтисодий тизими (бозор иқтисодиёти, аралаш ёки давлат томонидан қатъий тартибга солинадиган тизим) молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва мақсадига бевосита таъсир қилмасдан қолмайди.

Масалан:

-ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳисоботлар кўпроқ инвесторлар ва акциядорлар учун мўлжалланади.

-давлатнинг роли юқори бўлган мамлакатларда эса ҳисоботлар асосан солиқ ва назорат мақсадларига хизмат қилади.

Кўп мамлакатларда бухгалтерия(молиявий) ҳисоботи солиқ ҳисоботи билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, молиявий натижаларни солиқ юкини камайтириш мақсадида бошқача талқин қилиш ҳолатлари мавжуд.

Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда молиявий ҳисоботларда қайта баҳолаш, индекслаш каби ёндашувлар қўлланилади. Бу эса молиявий кўрсаткичларнинг талқинини ўзгартиради.

Ҳар бир мамлакатда ҳисоб-китобга, рискка ва шаффофликка бўлган муносабат турлича. Бу жиҳат ҳам миллий бухгалтерия анъаналарининг шаклланишига олиб келган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда таққослама, мантиқий, норматив-ҳуқуқий ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланиш илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини беради. Усуллари комплекс қўллаш тадқиқотнинг амалий ва назарий аҳамиятини оширади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Турли давлатларда молиявий ҳисоботларнинг турлича талқин қилиниши хорижлик Р. Нобес, К. Паркер, Ч. Хорнгрен асарларида атрофлича ўрганилган. Уларнинг тадқиқотларида миллий ҳисоб тизимларига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида: ҳуқуқий тизим, солиқ сиёсати, молия бозорининг ривожланиш даражаси кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, англосаксон ва континентал бухгалтерия моделлари ўртасидаги фарқлар илмий жиҳатдан асослаб берилган.(1)

IFRS (Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари)га бағишланган адабиётларда (Д. Александр, Э. Бриттон, Ж. Жоржеску) молиявий ҳисоботни халқаро миқёсда уйғунлаштириш зарурати асослаб берилган. Ушбу манбаларда: адолатли қиймат концепцияси, мазмуннинг шаклдан устунлиги, шаффофлик ва таққосланувчанлик каби тамойиллар миллий ҳисоб тизимларидан фарқ қилувчи муҳим жиҳатлар сифатида кўрсатилган.(2)

Молиявий ҳисобот таҳлилига бағишланган адабиётларда (И. Бланк, В. Ковалёв, Е. Стоянова) ҳисобот маълумотларининг ишончилиги ва уларни турли мамлакатларда талқин қилиш муаммолари ёритилган. Муаллифлар ҳисобот таҳлилида: ҳисоб сиёсати фарқлари, инфляция таъсири, номолиявий омилларни инобатга олиш зарурлигини таъкидлайдилар.(3)

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисобот таҳлили ва унинг муаммолари жиҳатларини қуйидаги йўналишлар бўйича таркиблаб ўтишимиз мумкин.

1. Ахборотнинг сифати.

Ахборот сифати - молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг фойдаланувчилар эҳтиёжларига қай даражада мос келиши ва қарор қабул қилишда қанчалик фойдали эканини ифодалайди. Ахборот сифатининг асосий мезонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборот иқтисодий қарорларга таъсир кўрсата олиши;

- башорат қилиш ва баҳолаш имконини бериши.

Молиявий ҳисобот - корхона (ташкилот)нинг муайян даврдаги молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги ишончли ва тизимлаштирилган ахборотни акс эттирувчи расмий ҳужжатлар мажмуасидир.

Молиявий ҳисоботнинг асосий мақсади:

- фойдаланувчилар (инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари, раҳбарият)ни қарор қабул қилиш учун зарур ахборот билан таъминлаш;

- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини баҳолаш.

Молиявий ҳисобот таҳлилидаги асосий муаммолардан бири — ҳисобот маълумотларининг тўлиқ, аниқ ва ишончли эмаслигидир. Айрим корхоналарда ҳисоб маълумотлари кечикиб тақдим этилади ёки бухгалтерия ҳисобида хатоларга йўл қўйилади. Бу эса таҳлил натижаларида нотўғри хулосаларга олиб келади.

Ахборот тўлиқлиги-молиявий ҳисоботда фойдаланувчи тўғри иқтисодий

қарор қабул қилиши учун зарур бўлган барча муҳим маълумотлар тўлиқ ва етарли даражада акс эттирилганини англатади. Ахборот тўлиқлигининг асосий белгилари сифатида куйидагилар белгиланади:

-барча муҳим операцияларнинг ҳисоботда акс эттирилганлиги;

-активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар яширилмаганлиги;

-ҳисоб сиёсати ва муҳим ўзгаришларининг изоҳларда очиб берилганлиги;

-қўшимча маълумотларнинг тақдим этишнинг зарурийлиги.

Ахборот аниқлиги - молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг хато ва ноаниқликлардан холи, ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилган ва реал ҳолатни ҳаққоний акс эттирган бўлишидир. Ахборот аниқлигининг асосий белгилари сифатида:

-ҳисоб-китобларда арифметик хатоликларнинг йўқлиги;

-маълумотларнинг ҳужжатлар билан асосланганлиги;

-актив ва мажбуриятлар тўғри баҳоланганлиги;

-нотўғри талқинга олиб келувчи ноаниқ ифода ва икки маъноликнинг йўқлиги.

Ахборот ишончлилиги - молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг ҳаққоний, холис ва реал иқтисодий ҳолатни тўғри акс эттириши, яъни фойдаланувчи унга ишониб қарор қабул қила олишини таснифлиайди

Ахборот ишончлигини белгиловчи омиллар мифатида:

-ҳаққонийлиги;

-тўлиқлиги;

-холис бўлишилиги тавсияланади.

1-жадвал

Молиявий ҳисобот ахборот сифатлари таққослама жадвали

№	Ахборот сифати	Қисқача таъриф	Асосий талаб
1	Мослик	Ахборотларнинг қарор қабул қилишга таъсир қила олиши	Иқтисодий аҳамиятга эга бўлишилиги
2	Ишончлилик	Ахборотларнинг ҳаққоний ва холис бўлиши	Бузиб кўрсатишсиз, тўлиқ
3	Тўлиқлик	Барча муҳим маълумотлар берилганлиги	Муҳим ахборотларқолдирилмаслиги
4	Аниқлик	Маълумотлар тўғри ва хатосиз	Ҳисоб-китобларда хато йўқлиги
5	Таққосланувчанлик	Турли даврлар ёки корхоналарни солиштириш мумкинлиги	Бир хил ҳисоб усуллариининг фўлланиши
6	Текширилувчанлик	Маълумотларни мустақил тасдиқлаш мумкин	Ҳужжатлар билан асосланганлиги
7	Ўз вақтидалик	Ахборотларнинг вақтида тақдим этилганлиги	Кечикишсиз ҳисоботлар тақдим этилиши
8	Тушунарлилик	Ахборотларнинг содда ва равон баён этилиши	Мураккаб ифодаларнинг йўқлиги

2. Инфляция таъсирининг ҳисобга олинмаслиги.

Кўп ҳолларда молиявий ҳисоботлар инфляция шароитида қайта ҳисобланмайди. Натижада активлар, мажбуриятлар ва даромадлар ҳақиқий қийматни акс эттирмайди. Бу муаммо айниқса юқори инфляция шароитида таҳлилнинг холислигини пасайтиради.

Ахборот таҳлилида инфляция таъсирининг ҳисобга олинмаслиги деганда, молиявий ҳисобот ва иқтисодий кўрсаткичлар номинал қийматларда таҳлил қилиниб, пул қийматининг пасайиши (инфляция) инобатга олинмаслиги тушунилади. Инфляция шароитида пулнинг харид қобилияти пасаяди.

Агар таҳлилда инфляция инобатга олинмаса:

-даромад ўсгандек кўринади, аслида эса реал фойда ўзгармаган бўлади;

-активлар қиймати кам баҳоланади;

-харажатлар ва фойда нотўғри солиштирилади;

-молиявий ҳолат ҳақида хато хулоса чиқарилиши мумкин.

Инфляция таъсиринг салбий оқибатлари қуйидаги жиҳатлар билан тавсияланади.

1) Нотўғри динамика таҳлили:

-турли йиллар кўрсаткичлари таққосланганда;

-инфляция ҳисобга олинмаса, сунъий ўсиш пайдо бўлади.

2) Фойданинг реал даражаси бузиб кўрсатилади:

-номинал фойда бор, аммо реал фойда йўқ.

3) Активларнинг ҳақиқий қиймати акс этмайди:

-узок муддатли активлар (бинолар, ускуналар) эски нархларда ҳисобга олинади.

4 Инвестор ва кредиторлар адашиши:

-корхона молиявий жиҳатдан яхши кўринса-да, реал ҳолат заиф бўлиши мумкин.

Муаммони камайтириш усуллари сифатида кўрсаткичларни реал қийматга келтириш, инфляция коэффициентларидан фойдаланиш, қайта баҳолаш(индексация) усулларини қўллаш, қиёсий таҳлилда бир хил, база йилини танлаш амаллари бажарилади.

2-жадвал

Инфляция таъсирини ҳисобга олмасликнинг таҳлилга таъсири

№	Таҳлил йўналиши	Инфляция таъсири ҳисобга олинмаса	Натижадаги хато хулоса
1	Даромад таҳлили	Номинал ўсиш реал ўсиш деб қабул қилинади	Фойда ошди деган нотўғри фикрга келинади
2	Фойда даражаси	Фойда реал қийматда камайгани кўринмайди	Корхона самарали деб баҳоланади
3	Активлар қиймати	Узоқ муддатли активлар эски нархда қолади	Активлар суммаси кам баҳоланади
4	Даврлар таққосланиши	Турли йиллар тўғридан-тўғри солиштирилади	Сунъий ўсиш пайдо бўлади
5	Харажатлар таҳлили	Харажатлар реал ошиши яширилади	Самарадорлик нотўғри баҳоланади

6	Инвестиция баҳоси	Реал даромад ҳисобланмайди	Инвесторлар хато қарорлар қабул қилади
7	Молиявий ҳолат	Пул қадрсизланиши инобатга олинмайди	Корхона барқарорлик ҳолатида деган нотўғри хулосага келинади

Инфляция таъсири ҳисобга олинмаса, молиявий кўрсаткичлар реал эмас, номинал ҳолатда баҳоланади ва таҳлил натижалари ишончсиз бўлиб қолади.

3. Ҳисоб сиёсатларидаги фарқлар.

Корхоналарда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоб сиёсати турлича бўлиши мумкин. Амортизация усуллари, захираларни баҳолаш ёки даромадларни тан олиш қоидаларидаги фарқлар корхоналарни солиштирма таҳлил қилишни қийинлаштиради.

Ҳисоб сиёсати - корхона ўзининг молиявий ҳисоботларини тузишда қўлланиладиган қоида ва усуллар мажмуаси.

Унда қуйидагилар белгиланади: актив ва мажбуриятларни баҳолаш усули (наrx, амортизация, захиралар); даромад ва харажатларни ҳисобга олиш усули; инфляция, валюталар курслари ва қарз шартларини акс эттириш йўли; бухгалтерия усуллари (номинал, реал қиймат, FIFO/LIFO, амортизация турлари).

Ҳар бир корхона ҳисоб сиёсатига эркинликка эга, лекин унинг танлови молиявий кўрсаткичлар таҳлилига бевосита таъсир қилади.

3-жавдал

Ҳисоб сиёсатидаги фарқлар ва таҳлилига таъсирлари

№	Ҳисоб сиёсати фарқи	Таъсир қиладиган молиявий кўрсаткич	Таҳлилдаги оқибат
1	Амортизация усули (тўғридан-тўғри ёки чекланган ёки тезлаштирилган)	Амортизация харажатлари, активлар қиймати	Тезлаштирилган амортизация билан фойда камаяди, актив қиймати тез пасаяди; таҳлилда қиммат ва фойда нотўғри солиштирилиши мумкин
2	Захиралар баҳоси (FIFO, LIFO, AVECO)	Сотиш харажатлари, фойда	LIFO ишлатилса инфляция шароитида харажат юқори кўрсатилади ва фойда камаяди; FIFOда эса фойда юқори кўринади
3	Активларни баҳолаш усули (номинал, қайта баҳолаш)	Бухгалтерия баланси, активkf қиймати	Активлар қайта баҳоланганда баланс қиймати ошади; таҳлилда компания молиявий барқарор кўринади

4	Даромадни эътироф этиш усули (касса ёки ҳисобга олиш)	Даромад, фойда	Касса усулида даромад сўнги вақтда ҳисобга олинади; таҳлилда фойда пасайган кўринади
5	Қарз ва мажбуриятларни баҳолаш (номинал ёки реал қиймат)	Мажбурият қиймати, фойда	Қарз реал қийматда кўрсатилмаса, фойда нотўғри талқин қилинади
6	Мулк ва инвестициялар баҳоси (қайта баҳолаш ёки тарихий қиймат)	Баланс қиймати, капитал	Реал қийматдан фарқланса, таҳлилда компания қиммати сунъий оширилиши мумкин

Ҳисоб сиёсати раҳбариятнинг, аудиторлар ва инвесторлар учун муҳим сигнал ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатидаги фарқлар раҳбарият ва таҳлилчилар учун молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилишда асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун таҳлилда ҳисоб сиёсати аниқ ва барқарор бўлиши, унинг ўзгаришлари эса изоҳларда кўрсатилиши шарт.

4. Таҳлилда фақат ўтмиш маълумотларига таяниш.

Молиявий ҳисобот таҳлили асосан ўтган давр маълумотларига таянади. Бу эса корхонанинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Стратегик қарорлар қабул қилишда бу жиддий чеклов ҳисобланади.

4-жадвал

Таҳлилдаги асосий муаммолар

№	Муаммо	Натижаси
1	Реал вақтга мос келмаслик	Фойда, даромад ва харажатлар кўрсаткичлари ҳозирги иқтисодий вазиятни акс эттирмайди; таҳлил натижаси эски маълумотларга асосланади
2	Бозор ва иқтисодиёт ўзгаришлари иноватга олинмайди	Инфляция, ставкалар, валюта курслари ёки салоҳиятли рақобат ҳолати таҳлилда акс этмайди
3	Стратегик қарорларнинг нотўғри чиқиши	Инвесторлар ва раҳбарият фойда ёки қарз таҳлили асосида хато стратегиялар ишлаб чиқиши мумкин
4	Фойда ва харажатнинг реал қийматининг нотўғри талқини	Номинал фойда ўсган бўлиб кўринади, аслида реал қиймати пасайган бўлиши мумкин
5	Ўтмиш тенденциялари келажакни прогноз қила олмайди	Фақат тарихий маълумотларга таянган таҳлил келажакдаги имконият ва хатарларни етарли кўрсатмайди
6	Иқтисодий қарорларнинг кечикиши	Муҳим молиявий қарорлар (инвестиция, кредит олиш, актив сотиш) учун кечикиш ёки хато қарорлар юзага келиши мумкин

5.Таҳлилда номолиявий омиллари инobatга олмаслик.

Таҳлил жараёнида кўпинча фақат рақамли кўрсаткичларга эътибор қаратилади. Бошқарув сифати, бозордаги рақобат даражаси, технологиялар ривожига каби номолиявий омиллари эса етарлича ҳисобга олинмайди. Бу эса умумий баҳолашни бир томонлама қилиб қўяди.

Номолиявий омиллари - корхона фаолияти ва молиявий кўрсаткичларга таъсир қилувчи, лекин бухгалтерияда рақамлар билан тўғридан-тўғри акс эттирилмайдиган омиллари.

Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-ишчи кучининг малакаси ва самарадорлиги;

-мижозлар ва мол етказиб берувчилар билан муносабат сифати;

-бренд қиймати ва рақобатдошлик даражаси;

-ижтимоий ва сиёсий шароитлар (солиқ сиёсатлари, лицензиялар, санкциялар);

-илмий-техника ва инновация имкониятлари.

Яъни, молиявий ҳисоботда рақамлар кўрсатилса ҳам, номолиявий омиллари уларнинг маъносини тўлиқ очиб бермайди.

4-жадвал

Номолиявий омиллари инobatга олмаслигининг таҳлилдаги оқибатлари

№	Муаммо	Таҳлилдаги таъсири
1	Иқтисодий қарорларда хато хулоса	Молиявий кўрсаткичлар яхши бўлса ҳам, рақобатдан ортида қолиш ёки ишчи самарадорлиги пастлиги хато баҳоланиши мумкин
2	Стратегик ва инвестиция хатарлари	Инновация ва технология қуввати инobatга олинмаса, янги лойиҳалар самарадорлиги нотўғри баҳоланади
3	Мижоз ва бозор муносабатлари таҳлилида камчилик	Бренд қиймати ва мижозларга содиқлик таҳлили мавжуд эмаслиги учун, реал даромад ва фойда нотўғри кўринади
4	Ижтимоий ва сиёсий таъсири ҳисобга олмаслик	Солиқ, лицензиялаш тартиби ёки сиёсий хатарлар молиявий кўрсаткичларга таъсирини ошириб юбормаслиги мумкин
5	Рақобатдошликни нотўғри баҳолаш	Молиявий кўрсаткичлар юқори бўлса ҳам, рақобат устунлиги паст бўлиши таҳлилда кўрсатилмайди

Номолиявий омиллари инobatга олишнинг аҳамиятини қуйидаги таъсир бирликлари бўйича таснифлаш мумкин.

Реал фойда ва самарадорликни баҳолаш:

-фақат ҳисобдаги рақамлар асосида корхона яхши кўриниши мумкин, лекин ходимлар самарадорлиги паст бўлиши мумкин.

Стратегик қарорлар сифатини ошириш:

-инвестиция, лойиҳалар ва ривожланиш стратегияси номолиявий факторлар билан баҳоланганда аниқ ва ишончли қарорлар чиқарилади.

Хатарларни аниқлаш:

-бренд, лицензия, бозор ёки ижтимоий шароит таҳлили инвесторлар ва раҳбарият учун хатарларни кўрсатади.

Фақат молиявий рақамларга таяниш таҳлилни қисқа кўрсатади ва реал самарадорлик ва хатарларни акс эттирмайди. Номолиявий омиллар (ишчи кучининг сифатидан бозор ва бренд қийматига) таҳлилга қўшилса, корхонанинг ҳақиқий иқтисодий ва стратегик ҳолати аниқроқ намоён бўлади.

6. Таҳлил усулларининг чекланганлиги.

Амалиётда баъзан фақат классик таҳлил усуллари билан чекланиб қолинади. Замонавий иқтисодий шароитда эса комплексли, сценарийли ва

прогноз таҳлил усулларидан фойдаланиш талаб этилади.

Молиявий ҳисобот таҳлили усуллари - корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун қўлланиладиган турли йўللари ва методлар мажмуасини билдиради.

Чекланганлик деганда, таҳлилда қўлланиладиган усуллар молиявий ҳисобот рақамлари билан боғлиқ, лекин улар барча омиллар ва контекстни ҳисобга олмайди. Яъни:

-фақат молиявий рақамлар асосида хулоса чиқарилади;

-номолиявий, стратегик, бозор ва макроиқтисодий омиллар назарда тутилмайди;

-қарор қабул қилиш учун фақат муайян кўрсаткичларгагина ишонилади.

5-жадвал

Молиявий ҳисобот таҳлилида чекланганликнинг муаммоли жиҳатлари

№	Муаммо	Чекланган усуллар сабаби	Оқибатлари
1	Фақат номинал рақамларга таяниш	Тренд, коэффициентлар ва соҳа стандартлари асосида таҳлил	Реал фойда ва қийматни нотўғри баҳолаш; инфляция, валюталар ва бозор ўзгаришлари инобатга олинмайди
2	Номолиявий факторлар ҳисобга олинмайди	Ускуналар, бренд, мижозлар ва ишчи кучининг сифати таҳлилда кўрсатилмайди	Самарадорлик, рақобатдошлик ва стратегик устунлик нотўғри баҳоланади
3	Иқтисодий ва стратегик таҳлил чекланган	Фақат қарз ва фойда кўрсаткичлари қўлланилади	Узоқ муддатли инвестиция, лойиҳалар ва стратегия таҳлили нотўғри чиқади
4	Қиёсий таҳлил қийинлашади	Ушбу усуллар компаниялар ва даврлар ўртасида фарқларни тўлиқ акс эттирмайди	Солиштиришда сунъий кўрсаткичлар пайдо бўлиши мумкин
5	Хатарлар ва тенденциялар етарли баҳоланмайди	Молиявий коэффициентлар ва фойдадан ташқари маълумотлар олинмайди	Инвестор ва раҳбарият хато хулосаларга келиши мумкин

Чекланган усуллар таҳлилининг куйидаги йўналишларни таркиблаш такомиллаштириш йўллари сифатида мумкин.

Номолиявий омиллар билан
бирга таҳлил:

-ишчи кучининг
самарадорлиги, бренд қиймати, миқдорлар
ва бозор тенденциялари.

Реал қиймат ва инфляция ҳисобга
олиш:

-номинал фойда ва активларни
реал қийматга келтириш.

Стратегик ва макроиқтисодий
контекстни инобатга олиш:

-солиқ сиёсати, валюта курси,
бозор шароитлари ва рақобат даражаси.

Бир неча усулларни қўллаш:

-коэффициентлар, тренд таҳлил,
горизонтал ва вертикал таҳлил, прогноз ва
сценарий таҳлили.

Хулоса

Молиявий ҳисобот таҳлилидаги
муаммоли жиҳатлар таҳлил
натижаларининг аниқлиги ва
ишончлилигига таъсир кўрсатади. Ушбу
муаммоларни бартараф этиш учун
ҳисобот сифатини ошириш, инфляцияни
ҳисобга олиш, номолиявий омилларни
қўшиш ҳамда замонавий таҳлил
усулларидан фойдаланиш зарур. Фақат
шундагина молиявий ҳисобот таҳлили
бошқарув қарорларини қабул қилишда
самарали воситага айланади.

Молиявий ҳисобот таҳлили фақат
рақамларга эътиқод қилиб амалга
оширилса, у реал иқтисодий ҳолат,
стратегик имкониятлар ва хатарларни
тўлиқ кўрсатмайди. Самарали таҳлил
учун ўтмиш маълумотларини реал
қиймат, номолиявий факторлар ва
макроиқтисодий контекст билан
бирлаштириш зарур.

Жумладан, молиявий ҳисобот
таҳлили ва ундаги камчиликларни олдини
олишда замонавий, ягона таҳлилий
ёндашувнинг йўқлиги ҳам ҳолатни тўғри
баҳолашда имкон бермаяпти.

Ишонч мезонлари аниқ
белгиланган ва чуқурлаштирилган
молиявий ҳолат таҳлилини амалга
оширишнинг замонавий шаклини йўлга
қўйишдаги ёндашувлар афсуски
таҳлилнинг энг долзарб масаласи бўлиб
қолмоқда. Бу борада, менежерлар ва
қизиқувчиларни кенг доираси учун
молиявий ҳолат таҳлилининг миллий ва
халқаро сегментини ягона бир тизимга
келтириш зарурлигидан таҳлилнинг
методологик базисини қайта тузиб чиқиш
талаб этилмоқда.

Методологик асоснинг ягона
тартибига келишда унинг тадқиқ этиш
бирликларини, кўрсаткичлар тизими,
баҳолаш индикаторларини аниқ
классификациясини тузиб зарур. Ҳозирги
ҳолатда эса уларнинг дунё амалиётида
юзлаб ёндашувлари ва фарқли
жиҳатларини кузатиш мумкин. Тўғри,
қайсидан маънода фарқли жиҳатларнинг
бўлиши табиийдир. Бироқ, бу фарқли
жиҳатлар турлича талқинга олиб
келмаслиги лозим. Айниқса, таҳлилий
кўрсаткичларга нисбатан меъёрий
талабларнинг белгиланишида
ривожланган Ғарб дунёси билан миллий
иқтисодиётдаги ҳўжалик юритувчи
субъектларнинг фарқли устунликлари
объектни тўғри талқин қилишга таъсир
қилмаслиги лозим.

Методологик асос кўп жиҳатдан
саҳо бўйича ҳукукий нормаларининг
белгиланишидаги муаммолар билан ҳам
боғланади. Ҳукукий нормалари
белгиланган, акциядорлик
жамиятларининг муҳим самарадорлик
кўрсаткичларини баҳолашдаги талаблар
ҳам унинг турли корхоналарда турлича
методика ва тартиблар аниқланишидан
ҳам ортиқча ва ҳеч қандай таъсирга эга
бўлмаган таҳлилий амаллар амалга
оширилаётганлиги ҳам фикримизнинг
исботи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нобес К., Паркер Р. Сравнительный международный бухгалтерский учет. — 13-е изд. — Харлоу: Pearson Education, 2016.
2. Александер Д., Бриттон А., Жориссен А. Международная финансовая отчетность и анализ. — Лондон: Cengage Learning, 2011.
3. Артеменко В.Г., Астапова В.В. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. — М.: ОМЕГА-Л, 2011. — 270 с.
4. Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ. — М.: Дело-Сервис, 2008. — 152с.
5. Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: Учебное пособие. — 2-е изд., доп. и перераб. — М.: Финансы и статистика. 2010.—512 с.
6. Банк В.Р., Банк С.В., Тараскина А.В. Финансовый анализ. Учебное пособие. — М.: ТК Велби, Проспект, 2007. — 344 с.
7. Пардаев М.Қ., Исроилов Б. Иқтисодий таҳлил Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси 2011, 452 б.
8. Pardayev M.Q., Isroilov J.I., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. T.:Print Line Group, 2017.-533 b.
9. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили Т.: Иқтисод-молия. 2015, 356 б.
10. Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисод-молия. 2019, 750 б.
11. Рахимов М.Ю., Астанокүлов О.Т., Қаландарова Н.Н. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Т.: Иқтисод-молия 2021 й. 435 б.
12. Рахимов М.Ю., Мавланов Н.Н. Қаландарова Н. Н. Иқтисодий таҳлил. Т.: Иқтисод-молия 2021 й. 346 б.
13. Соколов Я. В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. — М.: Финансы и статистика, 1996.
14. Ковалев В. В. Финансовый анализ. — М.: Финансы и статистика, 2013.
15. Қодиров А. А. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. — Т.: Фан ва технология, 2019.
16. Казакова Н.А. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. — 470 с.
17. Кирьянова З.В., Седова Е.И. Анализ финансовой отчетности: Учебник / - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Юрайт, 2014. - 428 с.